

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАХАДИРОВ АЛИШЕР КОМИЛОВИЧ**

**ЛИЗИНГ МУОМАЛАЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economics sciences**

**Бахадиров Алишер Комилович**

Лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар  
асосида такомиллаштириш ..... 3

**Бахадиров Алишер Комилович**

Совершенствование учета и аудита лизинговых операций на основе  
международных стандартов ..... 23

**Bakhadirov Alisher Komilovich**

Improvement of the accounting and audit of leasing operations according  
to International Standards..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАХАДИРОВ АЛИШЕР КОМИЛОВИЧ**

**ЛИЗИНГ МУОМАЛАЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2021.4.PhD/Iqt1915 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тўраев Абдурахим Нортожиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Қўзиёв Ислон Нетьматович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар  
Миллий Ассоциацияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда лизинг хизматларининг қатор усулларидан кенг фойдаланиш халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига интеграциялашиш, бозор талабларига мос товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имконини яратмоқда, бу эса лизинг муомалалари ҳисоби халқаро стандартлар асосида юритилиши натижасида хорижий инвесторлар учун ахборотларни тўлиқ ёритиб берилишини талаб этади. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини рақамлаштириш мақсадида, компанияларда ўз маблағлари етарли бўлмаганда лизинг муомалаларини амалга ошириш орқали ишлаб чиқариш муҳитини ихтисослаштириш ва модернизациялаш ҳамда янги бизнес жараёнларнинг самарали ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйишга эришилмоқда. Шунга кўра, лизинг муомалалари ҳисоби ва ҳисоботини халқаро тажрибага таянган ҳолда ташкил этиш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланиб, хусусан, лизинг муомалалари ҳисобини ташкил этиш, унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш, аудитининг назарий ва услубий асослари ҳамда аудитнинг халқаро стандартлари асосида лизинг корхоналарида аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича илмий ишлар алоҳида эътиборга олинган. Шу боис, лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича халқаро илмий лойиҳа ва тадқиқотлар муҳим йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектлар асосий фаолият бўйича узлуксиз шуғулланиш учун асосий фондлар билан таъминланиши зарур, бунга лизингга оид муомалалар ҳисоби ва аудитини самарали ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Шунга кўра, корхоналарда экспорт салоҳиятини янада оширишда молиявий ижарага олиш йўлга қўйилади, бу эса, хўжалик юритувчи субъектларда кўшимча бизнес юритиш ва даромадлилик даражасини оширишга хизмат қилади. Республикамизда лизинг бозорида 150 тага яқин лизингга берувчи фаол иштирокчилар мавжуд, улардан 30 таси тижорат банклари ҳисобланади. 2016-2021 йиллар оралиғида лизингга берувчи корхоналар сони ортиши туфайли лизинг бозори мустаҳкамланиб борди ва йирик лизингга берувчилар портфели ҳажми ошиши иқтисодий соҳалар ривожланишига олиб келди. Шу боисдан, лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида замон талабига мувофиқ такомиллаштириш зарурати мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтиришнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 507-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида»ги низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Лизинг муомалалари ҳисоби ва аудити бўйича хорижий олимлар В.Т.Нгуен, К.Лавиния, К.Ю.Чау, П.П.Люсия, У.В.Пун, Ф.Молла, Ф.Чиен, Ч.Н.Ван, Э.Баши<sup>1</sup>, МДХ давлатлари олимларидан А.В.Токарева, В.Скобара, Е.С.Пискун, И.Зубарев, Н.Н.Балашова, С.Бычкова<sup>2</sup>нинг илмий ишларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Мамлакатимиз олимларидан А.Т.Хашимова, Б.А.Хасанов, Г.М.Рахимова, Д.М.Маткаримов, Д.К.Кудбиев, И.Н.Исманов, И.Н.Қўзиев, К.Б.Уразов, К.Х.Хотамов, М.А.Юлдашев, М.Қ.Пардаев, Р.О.Холбеков, Р.Д.Дусмуратов, С.Н.Ташназаров, Х.А.Тухсанов, Ш.Т.Эргашева, Ш.У.Ҳайдаров<sup>3</sup>нинг илмий ишларида лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича молиявий ижара-лизинг жараёнида юзага келувчи муносабатларнинг айрим

---

<sup>1</sup> Баши Э. и Молла Ф. (2013). Будущее лизингового учета. Журнал прикладной экономики и бизнеса, 1 (3), 65-78.; Люсия П.П., Лавиния К. Методология учета, характерная для операционного лизинга для лизингополучателя с национальной и международной точки зрения. //Анналы-Экономика, №2, - С. 42-48.; Пун У.В. Идентификация договоров аренды в соответствии с новым стандартом лизинга. Журнал бухгалтерского учета и финансов (2158-3625), 21 (2); Chien F., Wang C.N., Chau K.Y., Nguyen V.T. Устойчивость в бизнес-секторе: нечеткая многокритериальная модель принятия решений для выбора финансовой лизинговой компании вьетнамских МСП. SAGE Open, 11 (3).

<sup>2</sup>Пискун Е.С. Бухгалтерский учет и анализ лизинговой деятельности организаций в условиях трансформации рынка лизинговых услуг: дис. – Белорусский государственный экономический университет; Бычкова С., Скобара В., Зубарев И. Развитие методическо; Горшков Р., Дикарева В. Лизинг: проблемы и перспективы развития в России. Litres.; Балашова Н.Н., Токарева А.В. Лизинг биологических активов как инструмент обеспечения продовольственной безопасности. In П-76 Научное обоснование стратегии развития АПК и сельских территорий в XXI веке: материалы Национальной научно-практической конференции. – Волгоград, 10 ноября 2020 г. (237 с.).

<sup>3</sup> Хасанов Б.А. Принципы и формы организации внутреннего аудита в микрокредитных организациях Узбекистана. // European sciences №10 (20); Холбеков Р.О. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. 2021 йил, Дусмуратов Р.Д., Тулаев У.И. Молиявий ҳисобот: назарий, услубий ва амалий жиҳатлари. – Т.: «Extremum-Press», 2012. – 144 б.; Исманов И.Н.. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент, 2009.; Маткаримов Д. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш. /и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2019; Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Солиқ Академияси, 2009. – 76 б.; Рахимова Г.М. Асосий воситалар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент, 2021. 8-б.; Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик – Т.: Иқтисод-Молия, 2019; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. – Т.: Фан, 2005. – 236 б.; Хотамов К.Х., Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. /и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2019 15-б.; Эргашева Ш.Т. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник. – Т.: ТГЭУ, 2021 г. – 310 стр.; Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби. – Т.: НОРМА, 2006, 248 б.; Кудбиев Д. Учет и анализ основных фондов в торговле в новых условиях хозяйствования: диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Москва, 1991; Қўзиев И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. / и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2017. – 70 б.; Юлдашев М.А. Ўзбекистонда лизинг операциялари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш. /и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: БФА, 2005 21-б.; Гуйчиев А.Ж.. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т., 2011. 71-б.;

муаммолари кўрсатиб ўтилган. Лизинг муомалаларининг жамият тараққиётида тутган ўрни ва бу соҳани ривожлантириш борасида кўплаб назарий ва амалий таклифлар берилган.

Лизинг муомалалари ҳисобини ташкил қилиш бўйича республикамиз олимларидан Д.Ғ.Ғозибеков, О.М.Қулжонов ва А.Т.Хошимова<sup>4</sup> тадқиқот ишларини олиб борганлар. Д.Ғ.Ғозибековнинг илмий ишларида лизинг фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари ёритиб берилган. О.М.Қулжонов томонидан эса миллий тизимда лизинг муомалалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар ва ҳужжатлаштириш жараёнларига эътибор қаратилган. А.Т.Хошимова ўз илмий ишида лизинг муомалалари ҳисобини миллий стандартлар асосида ташкил этиш жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратган. Лекин айнан лизинг корхоналарида лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишлари етарлича тўлиқ ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** лизинг корхоналарида лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва рақамлаштириш шароитида лизинг тушунчасининг иқтисодий моҳияти, мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ва назарий ёндашувларни тадқиқ этиш;

Ўзбекистон лизинг уюшмаси тизимидаги корхоналарда лизинг муомалаларининг тутган ўрни ҳамда уни ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатларини асослаш;

лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш юзасидан хорижий тажрибанинг ижобий натижаларидан фойдаланиш амалиётини шакллантириш;

лизинг муомалалари ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда лизинг корхоналарида лизинг муомалалари аудитининг ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистон лизинг уюшмаси тизимидаги лизингга берувчи корхоналар, «UzbekLeasing International A.O.» АЖ, «EUROASIA INSURANCE» АЖ ва аудиторлик ташкилотларининг фаолияти танлаб олинган.

---

<sup>4</sup> Ғозибеков Д.Ғ., Сабилов О.Ш. ва бошқалар. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: Fan va texnologiya. 2004, 56-бет.; Қулжонов О.М., Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида лизинг муомалалари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш//и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: БМА, 2005 22-б.; Хошимова А.Т. Организация и проблемы учета лизинговой деятельности//и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: БМА, 2011, 21-б.

**Тадқиқот предметини** лизинг корхоналарида лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришда вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таққослаш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик таҳлил ва экстраполяция усулидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

лизингга берувчи корхоналарнинг халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатига 4891 – «Лизинг муомалалари бўйича дебиторлик қарзи», 2991 – «Лизингга олинган товарлар» ва 4391– «Лизинг муомалалари бўйича берилган аванслар» номли синтетик счётларни киритиш орқали лизинг муомалаларини ҳисобга олиш таклиф этилган;

лизинг корхоналарининг ҳисоб сиёсатидаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 010 – «Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум» ва 020 – «Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари» сатрларига «Фоизли даромадлар» ва «Фоизли харажатлар» сатрларини киритиш таклиф этилган;

лизингга олувчи корхоналарда 0310 – «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётидаги лизинг объектлари турларини 0100 – «Асосий воситалар» синтетик счёти таркибидаги аналитик счётларда акс эттириш таклиф этилган;

лизинг корхоналари учун молиявий кўрсаткичлар бўйича аудит ўтказиш муддати, текширув харажатлари ва рискларни баҳолашнинг муҳимлик даражаси меъёрини аниқлаш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

лизинг муомалалари ҳисоби бўйича лизинг корхоналарининг ҳисоб сиёсатига 0910 – «Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар» счёти ва 4800 – «Турли дебиторлар қарзлари» счётини умумий, яъни жорий активлар бўйича 4891 – «Лизинг муомалалари бўйича дебиторлик қарзлари» счётига ўзгартириш орқали лизинг олувчининг умумий қарздорлик суммасини алоҳида счётда акс эттириш асосланган;

лизинг корхоналарининг ҳисоб сиёсатидаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 010 – «Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум» ва 020 – «Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари» сатрларига «Фоизли даромадлар» ва «Фоизли харажатлар» сатрларини киритиш орқали лизинг муомалалари бўйича олинган фойда ва зарарларнинг тақсимланиши асосланган;

лизингга олувчи корхоналарда 0310 – «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётидаги лизинг объектлари турларини 0100 – «Асосий воситалар» синтетик счёти таркибидаги аналитик счётларда акс эттириш асосланган;

лизинг корхоналарида аудит ўтказиш жараёнининг муддати, текширув харажатлари ва аудиторлик рискларни баҳолашда молиявий ҳисоботларнинг

кўрсаткичлари асосида аудитнинг муҳимлик даражасини аниқлаш меъёри асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган усул ва ёндашувларнинг халқаро миқёсда тан олинганлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва статистик маълумотларининг расмийлиги, Ўзбекистон лизинг уюшмаси тизимидаги лизинг корхоналарининг халқаро стандартлар асосидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек, аудиторлик ташкилотлари учун ишлаб чиқилган аудитнинг муҳимлик даражасини аниқлаш меъёри амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларда лизинг корхоналарида лизинг муомалаларини ҳисобга олиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида қўлланилган усулларни тизимлаштириш ва асослаш, уларни молиявий ҳисоботларда ишончли акс эттириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

лизинг берувчи корхоналарнинг халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатида 4891 – «Лизинг муомалалари бўйича дебиторлик қарз», 2991 – «Лизингга олинган товарлар» ва 4391 – «Лизинг муомалалари бўйича берилган аванслар» номли синтетик сўғларни киритиш орқали лизинг муомалаларини ҳисобга олиш таклифи «UzbekLeasing International A.O.» АЖ бош директорининг 2021 йил 27 декабрдаги 248-сонли буйруғига асосан жорий этилган. («UzbekLeasing International A.O.» АЖнинг 2021 йил 30 декабрдаги 2113-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши лизинг берувчи корхоналарда лизинг асосида берилган асосий воситалар бўйича лизинг муомалаларини дебиторлик қарзи молиявий ҳисоботларда тўлиқ ва ишончлилигини оширишга эришилган;

лизинг корхоналарининг ҳисоб сиёсатидаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 010 – «Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум» ва 020 – «Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари» сатрларига «Фоизли даромадлар» ва «Фоизли харажатлар» сатрларини киритиш таклифи «UzbekLeasing International A.O.» АЖ бош директорининг 2021 йил 28 декабрдаги 251-сонли буйруғига асосан жорий этилган («UzbekLeasing International A.O.» АЖнинг 2021 йил 30 декабрдаги 2113-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида лизинг корхоналарида лизинг бўйича фойда ва зарарларнинг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилишини таъминлашга эришилган;

лизингга олувчи корхоналарда 0310 – «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» сўғидаги лизинг объектларининг турларини 0100 – «Асосий воситалар» синтетик сўғи таркибидаги аналитик

счётларда акс эттириш таклифи «EUROASIA INSURANCE» АЖ бош директорининг 2021 йил 12 январдаги 37-сонли буйруғига асосан жорий этилган («EUROASIA INSURANCE» АЖнинг 2022 йил 17 январдаги 88/1-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши лизингга олувчи корхоналарда лизинг объектларини ишчи счётлар режасидаги асосий воситаларнинг турлари бўйича ҳисоби ва эскиришини кўрсатиб берилишини таъминлашга эришилган;

лизинг корхоналарида аудит ўтказиш муддати, текширув харажатлари ва рискларни баҳолашда аудитнинг муҳимлик даражасини аниқлаш меъёри таклифи амалиётда фойдаланиш учун Ўзбекистон аудиторлар палатаси томонидан қабул қилинди (Ўзбекистон аудиторлар палатасининг 2022 йил 3 февралдаги 4-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши лизинг корхоналарида лизинг корхоналарида аудит ўтказиш муддати, текширув харажатлари камайишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, 1 та монография, умумий 8 та илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шундан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 137 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамиятининг муҳимлиги илмий изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган бўлиб, унда лизинг корхоналарида лизинг фаолиятининг моҳияти ва бухгалтерия ҳисобида тан олиш асослари, ҳисоби ва аудитининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, лизинг муомалаларининг хориж тажрибаси ва ундан республикамизда фойдаланиш истиқболлари изоҳлаб берилган.

Россиялик олим В.Э.Керимов лизинг тарихидан келиб чиққан ҳолда, лизинг маъносига шундай таъриф берган: «Лизинг бу аниқ шартлар асосида


аниқ тўлов билан жисмоний ёки юридик шахслар ўртасидаги шартнома бўйича мулк сотиб олиш бўйича молиявий фаолиятдир»<sup>5</sup>.

Республикамиз олимларидан лизинг муомалаларини бир нечта олимлар ўз илмий ишларида, ўқув қўлланмаларида лизинг бўйича ўз таърифларини келтириб ўтганлар. О.М.Кулжоновнинг фикрича, лизинг деганда бу мулкларни лизинг берувчи томонидан белгиланган мулкни сотувчидан сотиб олиш ва уни лизинг шартномаси асосида жисмоний ва ҳуқуқий шахслар, яъни лизинг олувчига белгиланган тўлов ҳисобига, қатъий муддат ва шартларда, мулкни кейинчалик лизинг олувчи томонидан сотиб олиш ҳуқуқи билан бериш бўйича инвестиция фаолиятининг бир тури ҳисобланади. А.Т.Хошимованинг фикрича, лизинг фаолияти даромад олиш учун инвестицион мақсадли йўналишда воситачилик хизматларидир.

Шу сабабли, муаллиф томонидан қатор олимларнинг таърифини ўрганиш орқали, лизинг тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф этилган:

«Лизинг – узоқ муддатли молиявий ижара ҳисобланиб, ижара объектининг бошланғич қиймати бўйича қарздорлик асосидаги молиявий хизмат тури».

Тижорат банкларининг натижалари билан таққослаганда 2020 йилда тақдим этилаётган лизинг хизматлари ҳажми бирмунча ошди ва уларнинг бозордаги улуши 11 % ни ташкил этди.



1-расм. Лизинг шартномалари ҳажмининг ўсиши<sup>6</sup>, млрд. сўм

Лизинг корхоналарида лизинг муомалаларини тартибга солиш учун асосий ҳужжатлардан бири лизинг шартномаси ҳисобланади. 2020 йил якунлари бўйича лизинг шартномалари ҳажми 1,9 трлн. сўм бўлиб, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 37 %га камайганини кузатиш мумкин.

Республикамизда лизинг муомалалари ҳисоби бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солиниб келинади.

А.Т.Хошимованинг<sup>7</sup> илмий ишларида бухгалтерия ҳисобида лизингнинг ривожланиш босқичларини уч босқичга ажратишни, булар эса биринчи босқич

<sup>5</sup> Керимов В.Э. Бухгалтерский учет. 6 – е изд. – М.: ИТК «Дашков и К», 2014. – 235 с.

<sup>6</sup> Манба: Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси, ҳисоб-китоблар:

<sup>7</sup> Хашимова А.Т. Организация и проблемы учета лизинговой деятельности (на примере лизинговой компании «Узавтосаноат-Лизинг»). Монография. – Т.: 2016. 24-с.

1998-2003 йиллар, иккинчи босқич 2004-2008 йиллар, 2009-2011 йилга қадар бўлган босқичларни ўз ичига олган.

Муаллифнинг фикрича, лизинг муомалалари ҳисоби ва аудитининг ривожланиш босқичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларининг қабул қилиниши билан изоҳланади. Бу эса ўз навбатида, нафақат ҳисоб тизимини, балки мамлакатимизда лизинг муомалаларининг янада ўзгаришига сабаб бўлади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида лизинг муомалалари ҳисобининг ривожланиш босқичлари<sup>8</sup>**

Босқичлар	Йиллар	Тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
1-босқич	1995-1999 й.й.	1995 йил 5 январда 6-сонли қарорга асосан Ўзбекистонда илк бор «Ўзбеклизинг интернейшнл А.О.» акциядорлик лизинг корхонаси ташкил этилган. 1998 йилда 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси 6-сон «Лизингни ҳисобга олиш» номли БҲМС қабул қилинган
2-босқич	2003-2008 й.й.	2007 йил 26 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1648-1-сон бошқарувининг қарори асосида «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги низом ишлаб чиқилган
3-босқич	2009-2014 й.й.	2009 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 6-сонли «Ижара ҳисоби» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) янги таҳрирда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2009 йил 1 июнда 1961-сонли «Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи қабул қилинган
4-босқич	2015-2021 й.й.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги 3946-сонли «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йилда 6-сонли «Лизингни ҳисобга олиш» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) қабул қилиниши ва 1999 йил «Лизинг тўғрисида»га қонун кучга киргач, лизинг муомаларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари сифатида лизинг муомалаларини ҳисобга олишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бундай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лизингга берувчи ва лизинг олувчи корхоналарда

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш учун хизмат қилади. 2009 йилда 6-сонли «Лизингни ҳисобга олиш» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) қайта кўриб чиқилиб, янги таҳрирдаги 6-сонли «Ижара ҳисоби» БҲМС қабул қилинган.



2-расм. Лизинг шартномаларини иқтисодиёт соҳалари бўйича кўрсаткичлар таҳлили (2020 йилнинг маълумотлари асосида)

Юқоридаги расмдан кузатиш мумкинки, сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг йирик соҳаларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тегишли махсус техникалар учун олинаётган лизинг шартномалари сони йиллар мобайнида ошиб келган.

16-сонли МҲХС «Ижара» номли стандарти ижара шартномасига қуйидагича таъриф келтирилган<sup>9</sup>: ижара шартномаси – маълум вақт давомида қоплашга алмаштирган ҳолда идентификацияланган активдан фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқи берилишини назарда тутувчи шартнома ёки шартноманинг бир қисмидир. Шартнома тўлиқ ёки унинг моддалари ижара шартномаси ҳисобланишини баҳолаш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

дастлабки – шартнома тузиш бўйича;

такрорий – шартнома шартлари ўзгариш бўйича.

Диссертациянинг иккинчи боби «Лизинг корхоналарида лизинг муомалалари ҳисобининг амалдаги ҳолати» деб номланиб, бу бобда лизинг объекти ҳисобининг ташкилий жиҳатлари, лизинг корхоналарида бухгалтерия ҳисоби юритилишининг ташкилий асослари, лизинг муомалалари ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш масалалари келтирилган.

Тадқиқот ишида лизинг муомалалари ҳисоби бўйича лизинг берувчи корхоналарнинг ҳисоб сиёсатига молиявий ҳисоботларининг тегишли бандлари бўйича қуйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган:

<sup>9</sup> <https://fin-accounting.ru/articles/2018/ias16-recognition-measurement-depreciation-pp>e

Лизинг корхоналарининг бухгалтерия баланси сатрларига қўшимчалар<sup>10</sup>

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Кўрсаткичлар	Сатр коди
Мавжуд эмас	181	Лизингга олинган товарлар	181
Мавжуд эмас	261	Лизингга олинган асосий воситалар учун берилган бўнақлар	261
Мавжуд эмас	311	Лизинг бўйича дебиторлик қарзлари	311

Бундай бухгалтерия балансига берилган таклифлар лизинг берувчи корхоналарда лизинг муомалари бўйича қарздорлик ва товар қолдиғини кўрсатиш орқали корхона раҳбарлари ва молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга лизинг бўйича кўрсаткичларни аниқлаш имконини қулайлаштиради.

Муаллифнинг фикрича, лизинг берувчи корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш учун «Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар» счёти ва «Турли дебиторлар қарзлари» счётини умумий, яъни «Лизинг муомалалари бўйича дебиторлик қарз» счётига ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида, лизинг берувчи корхоналарда умумий лизинг муомалалари бўйича қарздорлик ҳар бир лизинг олувчи бўйича алоҳида акс эттирилади ва соддалаштирилган умумий қарздорлик юзага келишига хизмат қилади.

Республикамизнинг кўпгина лизинг корхоналарида лизингга берилган асосий воситалар 0820 – «Асосий воситаларини харид қилиш» счёти орқали ҳисобга олинади. Лекин ушбу счёт узоқ муддатли активларни ҳисобга олувчи счёт бўлганлиги сабабли, уни қисқа муддатли (жорий) активлар таркибида ҳисобга олувчи счётларда акс эттириш муҳим ҳисобланади. Бундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида, «Товарлар» счётида алоҳида 2991 – «Лизингга берилган асосий воситалар объектлари (тури бўйича)» аналитик счётни очиш мақсадга мувофиқ. У лизинг корхоналарида лизинг муомалалари бўйича умумий дебиторлик қарздорлари суммасини яхлит тарзда акс эттиришга хизмат қилади.

Лизинг муомалалари бўйича олинган фоизли даромадлар ва лизингга тегишли фоизли харажатларни «Uzbek Leasing International A.O.» АЖнинг халқаро стандартлар асосида тузилган ҳисоб сиёсатида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 010 – «Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум» ва 020 – «Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннари» сатрларига «Фоизли даромадлар» ва «Фоизли харажатлар» сатрларини қўллаш лизинг муомалалари бўйича фоизли даромад ва харажатлар ҳисоби ва аудитини жуда осонлаштиради.

«Uzbek Leasing International A.O.» АЖ молиявий ҳисоботларида ушбу сатрлар қўшилган ҳолда муаллиф томонидан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклига фоизли даромад ва харажатлар киритилган.

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

**«Uzbek Leasing International A.O.» АЖ нинг 2020 йил учун молиявий  
натижалар тўғрисидаги ҳисоботи<sup>11</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Сатр коди	2020 йил
1.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	78 749 007
2.	Фоизли даромадлар	011	71 258 549
3.	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020	3 046 542
4.	Фоизли харажатлар	021	1 408 112

Жадвалдан кўриниб турибдики, «Uzbek Leasing International A.O.» АЖ лизинг корхонасида маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушумнинг 90 % лизинг муомалалари бўйича олинган фоизли даромадларни ташкил қилади. Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннархида эса фоизли харажатлар 46 %ни ташкил қилади. Бу кўрсаткичларни молиявий ҳисоботда акс эттириш орқали лизинг корхоналари лизинг муомалаларига тааллуқли фоизли даромад ва харажатларни аниқ ва тўғри таҳлил қилиш мумкин.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида лизинг корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш миллий стандартда тузилган йиллик молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш усули орқали амалга оширилади. Лекин халқаро стандартлар асосида параллел равишда ҳисоботни юритиш лизинг корхоналари учун йирик харажат ва малакали кадрларни талаб этади. Шу сабабли, лизинг корхоналарининг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш юқори самара беради.

«Uzbek Leasing International A.O.» АЖ молиявий ҳисоботларини миллий стандартдан халқаро стандартларга трансформация қилиш учун миллий стандартлар асосида берилган бухгалтерия ўтказмаларининг халқаро стандартлар асосида берилиши мақсадга мувофиқ (4-жадвал).

Мазкур трансформация жараёнидан сўнг, лизинг берувчи корхонанинг миллий стандартлар бўйича молиявий ҳисоботидаги ушбу сўтларга тузатишлар киритиб ўзгартирилади. Бундай тузатишлар ҳисобга олингач, лизинг берувчи корхонанинг халқаро стандартлар асосидаги молиявий ҳисоботлари ҳосил қилинади. Кўпчилик лизинг корхоналарида трансформация жараёнида асосий воситалар, уларнинг эскириш суммасидаги қайта баҳоланиш ўзгартирилади ва қолдиқ суммаси ҳаққоний кўрсатилади.

Лизинг корхоналарининг асосий фаолияти лизинг бериш ва улар бўйича тушумни ҳисобга олишдан иборат. Аммо трансформация жараёнида лизинг портфели ўрганиб чиқилгач, кечиктирилган қарздорликни эътиборга олган

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган.

ҳолда, лизинг портфелидан резерв ҳисобланади ва халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларда ўз аксини топади.

**4-жадвал**

**«Uzbek Leasing International A.O.» АЖнинг трансформациялаш  
жараёнидаги бухгалтерия ўтказмалари<sup>12</sup>**

№	Хўжалик муомаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Асосий воситаларни қайта баҳолашга тузатиш киритилди	Асосий воситаларни қайта баҳолаш	Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар
2.	Асосий воситаларнинг эскиришини қайта баҳолашга тузатиш киритилди	Асосий воситаларни эскиришини ҳисобга олувчи счётлар	Асосий воситаларни қайта баҳолаш
3.	Берилган аванслар коррективровка қилинди	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар
4.	Аванслар бўйича резерв ҳисобланди	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	Даргумон қарзлар бўйича резерв
5.	Ходимларнинг таътили бўйича резерв ҳисобланди	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз
6.	Келгуси давр харажатлари коррективровка қилинди	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	Келгуси давр харажатлари
7.	Материаллар коррективровка қилинди	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	Материаллар
8.	Узоқ муддатли лизинг бўйича қарздорликка тузатиш киритилди	Бошқа дебиторлар қарзлари (жорий)	Узоқ муддатли дебитор қарзлари
9.	Асосий воситаларни харид қилиш суммаси коррективровка қилинди	Асосий воситаларни харид қилиш	Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар
10.	Лизинг портфели бўйича резерв ҳисобланди	Бошқа операцион харажатлар	Даргумон қарзлар бўйича резерв

Лизинг корхоналарида лизинг муомалаларини ташкил этишда лизинг муомалалари бўйича ҳужжатлар таркибининг кетма-кетлиги ва уларни ўз вақтида амалга оширишда ички назорат жараёнидан кенг фойдаланилади (5-жадвал).

Лизинг муомалаларини тартибга солувчи бундай ҳужжатлар лизинг берувчи корхоналар учун лизингга олинган лизинг объектини ҳужжатлаштириш тартибини назорат қилиш имконини беради.

Республикамизда кўпчилик лизинг корхоналарида лизинг бериш жараёни уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда ҳар бир лизинг шартномасининг мазмуни ва амалга оширилишидаги ўзига мос йўналишлар

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган.

ўрганилгач, юридик битим (лизинг шартномаси) тузиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилади.

## 5-жадвал

### Лизинг берувчи корхоналарда лизинг муомалалари бўйича тартибга солувчи ҳужжатларнинг бирламчи рўйхати<sup>13</sup>

№	Ҳужжатлар таркиби
1.	Лизинг олиш учун белгиланган тартибдаги ариза
2.	Корхона таъсисчилари томонидан розилик баённомалари
3.	Таъсис ҳужжатлари (устаи, таъсис шартномалари)
4.	Лизинг олувчи корхоналарнинг молиявий ҳисоботлар таркиби
5.	Корхона давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
6.	Хизмат кўрсатаётган банк томонидан пул маблағлари тўғрисидаги маълумот
7.	Олинган кредит ва лизинглар бўйича маълумот
8.	Давлат солиқ инспекцияси томонидан қарздорлик бўйича маълумот
9.	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот
10.	Аудиторлик ёки бошқа давлат органларининг хулосаси
11.	Бизнес режа ёки техник-иқтисодий асослари (ТЭО)
12.	Лизингга олинаётган объект бўйича маълумотлар
13.	Лизингга олиш жараёнида зарур бўлган бошқа ҳужжатлар

Лизинг бериш жараёнининг иккинчи босқичида икки ёки уч томонлама шартномада лизинг битимидаги барча мунозарали шартлар юридик жиҳатдан асослаб берилади.

Лизинг бериш жараёнининг учинчи босқичи асосий қисмлардан бири ҳисобланади ва лизинг мулкидан фойдаланиш даврини қамраб олади. Унда барча лизинг муомалалари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, лизинг берувчига лизинг тўловларини беришни амалга ошириш, лизинг муддати ўтгач, лизинг мулкидан келгусида фойдаланиш йўллари лизингга бериш тартибини ҳисобга олади.

Бундай босқичлар бўйича лизинг корхоналарида алоҳида ички назорат бўлими ташкил этилиб, ҳар бир лизинг муомаласини учинчи томондан таҳлил қилиш узлуксиз тўлов жараёни, рискларини камайтириш ва лизинг муомалаларини янада оптималлаштиришга эришилади.

Лизинг корхоналарида ички назорат алгоритми қуйидагилардан иборат:

1. Лизинг олувчи томонидан берилган ариза.
2. Лизинг қўмитаси баённомалари.
3. Лизинг шартномалари.
4. Лизинг бўйича бошланғич тўлов ва харажатлар.
5. Лизинг шартномалари бекор қилингунга қадар тўловлар мониторинги.

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Мазкур ички назорат жараёнининг кетма-кетлигини ишлаб чиқишдан асосий мақсад лизинг корхоналарида лизинг жараёнини янада тезлаштириш ва лизинг бўйича тўловларни ўз вақтида текшириб боришга хизмат қилади.

Лизингга олувчи корхоналарда лизинг муомалалари бўйича бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш учун хўжалик юритувчи субъектларда 0310 – «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти мавжуд. «EUROASIA INSURANCE» АЖда ҳар бир лизингга олинган асосий восита тури бўйича асосий воситалар гуруҳига киритилиши натижасида, асосий воситалар гуруҳи аниқлаштирилди ва унинг эскиришини ҳисоблаш ҳам соддалаштирилди. Бу тизимни такомиллаштириш учун лизинг олувчида аналитик счётлар очиш тавсия этилади. Яъни ишчи счётлар режасида 0121 – «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган бинолар», 0131 – «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асбоб-ускуналар», 0161 – «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган автомобиллар» ва шундай субсчётлар очилиши мақсадга мувофиқ.

